RESEARCH FOCUS
xalqaro ilmiy jurnali hamkorligida

DOI
10.66073/ReFocus-Conf/0910037

QR-kod maqolaning DOI sahifasini ochadi

SAHIFALAR
211–212

TIL
O'zbek (kirill)

IQTIBOS UCHUN
Адилова Маржангул Елмуратовна. Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари // «O'zbekiston olima ayollarining mamlakat taraqqiyotiga qo'shayotgan hissasi» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (Nukus, 2026-yil 9–10-oktyabr). – Nukus, 2026. – B. 211–212. – DOI: https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/0910037

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Адилова Маржангул Елмуратовна
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети "Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқарув" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада гендер тенглик тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг назарий-тарихий асослари ҳамда замонавий жамиятдаги ўрни ёритилган. Илмий мақолада БМТ доирасида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва АҚШда хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқларини тан олиш тарихига қисқача тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган институционал ва қонунчилик ислоҳотлари, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни, 2030 йилгача мўлжалланган Гендер стратегик мақсадлари таҳлил қилинган. Мақола якунида гендер тенгликни янада ривожлантириш юзасидан илмий ва амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқлари, тенг имкониятлар, гендер стратегияси, дискриминацияга йўл қўймаслик, институционал ислоҳотлар.

Гендер тенглик ва жинсий тенглик — бу оила ва жамиятнинг барча соҳаларида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашни назарда тутувчи муҳим ижтимоий-ҳуқуқий тушунчадир. Замонавий тадқиқотларга кўра, гендер тенглиги тамойили патриархал тизимдан кейинги ижтимоий муносабатларнинг янги босқичи ҳисобланиб, шахснинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий тўсиқларни бартараф этишга ва ҳар икки жинс вакиллари учун ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришга қаратилган.

Гендер тенглиги ғоялари халқаро ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисмига айланган. Жумладан, 1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да ва 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг 3-моддасида иштирокчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун барча фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини олганликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Тарихий нуқтаи назардан, аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий тенглиги учун кураш босқичма-босқич амалга оширилган. Хусусан, АҚШда 1920 йилда Конституцияга киритилган 19-тузатиш орқали аёлларга сайлов ҳуқуқи берилди. Ушбу тарихий воқеа муносабати билан 26 август «Аёллар тенглиги куни» сифатида нишонланиб келинмоқда (расман 1973 йилда АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланган).

Бу жараён хотин-қизларнинг жамиятда тенг ва тўлақонли иштирокини таъминлашдаги дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатда гендер сиёсати изчил давом эттирилиши ва Марказий Осиё миқёсида етакчи аёллар мулоқоти лойиҳалари қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қуйидаги институционал ва ҳуқуқий ўзгаришлар юз берди:

1. **Қонунчилик базасининг мустаҳкамланиши:** 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни қабул қилинди. Қонун қонунийлик, демократизм, тенг ҳуқуқлилик ва жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик каби асосий тамойилларни белгилаб берди. Қонунбузарликка учраган шахсларга судга мурожаат қилишда давлат божидан озод этилиш имтиёзи берилди.

2. **Институционал тузилмалар:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркибида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш бўйича миллий комиссия ташкил этилди.

3. **Халқаро индекс ва кўрсаткичлар:** Ўзбекистон 2019 йилдан бошлаб БМТнинг Гендер тенгсизлиги индексида (GII) фаол иштирок эта бошлади. Ушбу индексда мамлакат 189 та давлат орасида 0.288 кўрсаткич билан 62-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган Гендер тенгликка эришишга қаратилган Стратегияси инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳақиқий тенглигини таъминлашни мақсад қилган. Хулоса қилиб айтганда, жамиятда барқарорлик ва юқори интеллектуал муҳитни шакллантириш бевосита хотин-қизларнинг мавқеини ошириш билан боғлиқ. Жамиятда сақланиб қолаётган стереотипларни бартараф этиш ва аёлларни фақат оила доирасида эмас, балки мамлакатдаги демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида эътироф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғриси»даги ЎРҚ-562-сонли Қонуни. // *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz)*, 03.09.2019 й. – URL: https://lex.uz/docs/-4494849

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. // *lex.uz*. – URL: https://lex.uz/docs/-5466673

3. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 300 б.

DOI 10.66073/ReFocus-Conf/0910037